

# TOSHKENT HAQIQATI

2025-yil  
15-noyabr  
SHANBA  
№ 88 (13849)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24 Haqiqat online haqiqatonline\_

## ОЛИМУ ИЛМУ АМАЛ

Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллиги кенг нишонланди



Шу кунларда Тошкент давлат аграр университети ўзининг қутлуг 95 йиллик юбилейини нишонламоқда. Тарихий сана муносабати билан университетда "Аграр таълим, илм-фан ва инновациялар тараққиётида янги марралар сари" шиори остида катта байрам тадбирлари ташкил этилди.

чи иш берувчилар билан суҳбатларда қатнашди ва ёшларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди.

Шунингдек, байрам муносабати билан университетда "Agro Tech" кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг университет босқичида "Энг яхши ғоя", "Энг яхши лойиҳа", "Энг яхши ихтиро" номинациялари бўйича 500 га яқин ёшлар иштирок этишди. Улардан голибликни қўлга киритган 33 нафар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундан ташқари, университет спорт мажмуасида "ТДАУ кубоги"

халқаро кураш спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Мазкур беллашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш муҳим ташаббусидан бири – ёшларни жисмонан чиниқтириш ва уларнинг спортдаги қобилиятини ривожлантириш учун зарур шартроит яратишга қаратилган.

### ХОНАТЛАСНИНГ СЕҲРЛИ ЖИЛОСИ...

Университет хотин-қизлар маслаҳат кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Хонатлас" фестивали ана шундай номланди. Халқимизнинг ўтмиши, қадимий урф-одат ва анъаналари, эстетик қарашларини ўзида мужассам этган миллийлигимизни янада кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган кечада меҳмонлар ёшлар томонидан тайёрланган қўл ишлари кўргазмалари, маданий ва ижодий дастурлар билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

### ТАЛАБАЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР

Тадбирлар дебосасида ректор ва битирувчилар учрашуви бўлиб ўтди. Унда университет ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нарзулла Обломуродов сўзга чиқиб, даргоҳда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар хусусида тўхталди.

– Аграр соҳада олий таълим сифатини таъминлаш, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини етакчи

корхона ва ташкилотларда ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари ўтказиш ҳамда ишга жойлашишга кўмаклашиш учун маслаҳат хизматларини йўлга қўйиш университет битирувчиларини замонавий меҳнат бозори талабларига мувофиқ тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга, – деди у. – Иш берувчи ташкилот ва корхоналар иштирокида университет битирувчилари учун мунтазам "Карьера кунни" меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Жорий ўқув йилида бакалаврият ва магистратура босқичидан 2 минг 500 нафар битирув-

чи иш берувчилар билан суҳбатларда қатнашди ва ёшларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди.

Бундан ташқари, университет спорт мажмуасида "ТДАУ кубоги"

### Муносабат

Куни кеча интернетда дўмбира чалиб куйлаётган қозоқ йигитининг кўшиғини эшитиб қолдим. Кўшиқ сўзларида:

"...оптинингга тилақдош бўлиб ўтирибмиз,  
Ута Абени кулатган,  
Инратиб йўллаган  
Келдиёрова Диедрадек ботир қиз"  
каби жумлалар бор эди.

### Марказий Осиё: Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда!

Бир йил олдин интернетга жойланган ушбу кўшиқни аввал ҳеч эшитмаган эканман. Билишимча, кўшиқ Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия уйинларида ўзбек спортчиларининг эришган тарихий ғалабаларига бағишланган. Очиги, бу ашулани тинглай туриб мижзам намланди. Ифтихор туйдим. Сўнг, кўшиқ остидаги изоҳларда бовурларимизнинг фикрларига бир қур назар ташладим. Уларнинг самимий табриклари, ўзбек кизи Диедра Келдиёрованынгни ютуғини ўз ютуқларидек қабул қилишганини кўриб қувондим.

Айни кунларда Марказий Осиёда мана шундай яхши кўшиқчилик, дўстлик-биродарлик, аҳиллик ришталари ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланган.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган "Марказий Осиё янги давр остонасида" сарлавҳали мақоласида айни шу жиҳатга ургу берилди. Мақолада таъкидланган: "Кўшничлик – хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти – барчанинг ютуғи" шғарини ҳар бир инсоннинг ҳаётини шioriга айланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

### Имконият



## АҚШда Тошкент вилоятининг ваколатхонаси очилди

Аввал хабар берганимиздек, айни пайтда

Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев раҳбарлигидаги вилоят делегацияси хизмат сафари билан АҚШда бўлиб турибди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад – Тошкент вилоятининг халқаро иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлигининг янги имкониятларини яратишдир.

АҚШнинг Флорида штати Голливуд шаҳрида Тошкент вилоятининг ваколатхонаси очилгани бу йўналишда яна бир муҳим қадам бўлди. Янги ваколатхона – вилоятнинг иқтисодий, маданий ва туристик салоҳиятини АҚШда кенг тарғиб этиш, шунингдек, америкалик биз-

нес ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилишида муҳим платформа вазифасини бажаради.

Тошкент вилояти ва Голливуд шаҳри ўртасида бир қанча йўналишларда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу борада мазкур ваколатхона орқали вилоятдаги тадбиркорлар ва экспортёрлар учун АҚШ бозорига чиқишда амалий кўмак кўрсатиш, ишбилармон доиралар ўртасида ҳамкорлик кўприklarини яратиш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

### Ҳамкорлик



## Қўшма лойиҳалар – қўш ташаббуслар

Учрашув "Master of Business Administration (Science)" касбий қайта тайёрлаш ва стажировка дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади Ўзбекистонда, хусусан, Тошкент вилоятида амалга оширилаётган таълим, фан ва илмий ислохотлар билан яқиндан танишиш, икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш ва инновацион лойиҳалар йўналишида ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Мулоқот давомида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот ишлари ва индустриал инновациялар бўйича қўшма ташаббусларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, бу каби амалий учрашувлар ҳудуддаги таълим ва илм-фан салоҳиятини ривожлантириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва

ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Тошкент вилоятидаги олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, технопарклар ва инновацион лойиҳалар билан танишишлари режалаштирилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига 2026 йил учун обуна бўлинг!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри таҳририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;  
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;  
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиш бериш хизмати учун.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки мартаба – chorshanba ва shanba кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума кунни чоп этилади.

Обуна таҳририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35



### Viloyat bo'ylab

**NURAFSHON** shahar hokimi I.Klichxanov rahbarligida shahar hududida faoliyat yuritayotgan korxonalar va tashkilotlar rahbarlari, mahalla yettilligi vakillari ishtirokida ochiq muloqot tashkil etildi. Unda shaharda olib borilayotgan obodonchilik ishlari, "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasidagi chora-tadbirlar, aholi bandligini ta'minlash, ishsizlik muammolarini bartaraf etish, ijtimoiy himoya, aholiga kreditlar ajratish masalalari muhokama qilindi.


**Toshkent viloyati prokurori A.Mirzayev BO'KA** tumanidagi "Qo'ldoshtepa" mahallasida amalga oshirilayotgan bunyodkorlik va obodonlashtirish ishlari bilan tanishdi. Jarayonda muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlarini yangilash, mahalla binosi hamda sport maydonchasi qurilishi, shuningdek, ichimlik suvi, elektr va yo'l infratuzilmasini yaxshilash borasida bajarilayotgan ishlar ko'zdan kechirildi. Kamchiliklar yuzasidan mas'ullarga topshiriqlar berildi.

**QUYI CHIRCHIQ** tumani hokimining o'rinbosari, oila va xotin-qizlar bo'limi boshlig'i Sh.Ahmedova hamda korxonalar va tashkilotlar rahbarlari ishtirokida jismoniy va yuridik shaxslar uchun qabul o'tkazildi. Jarayonda 20 nafar fuqaroning murojaati o'rganildi. 12 ta murojaatga joyida yechim topildi, qolganlarining ijrosi nazoratga olindi.

**BO'STONLIQ** tumanida mahalla yettilligi tashabbusi bilan hududlarda keng ko'lamli obodonlashtirish ishlari olib borilmoqda. "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida bo'sh yer maydonlariga mevali va manzarali daraxt ko'chatlari ekilib, mahallalar chiqindilardan tozalandi.

**QIBRAY** tumanidagi 14-maktabda O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i qabul qilinganining 34 yilligi munosabati bilan "Bir Vatan, bir el, bir bayroq!" shiori ostida ma'naviy-ma'rifiy tadbir tashkil etildi. Unda so'zga chiqqanlar davlatimiz bayrog'ining yaratilish tarixi haqida o'quvchilarga ma'lumot berishdi.





Айни кунларда Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳри VI Ислон бирдамлиги ўйинларига мезбонлик қилмоқда. Дунёнинг 57 мамлакатидан 4 мингдан ортиқ атлетни ўзида жамлаган мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон делегацияси муваффақиятли иштирок этмоқда. Айниқса, мусобақада вилоятимиз спортчиларининг эришаётган натижаларини алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, турнирнинг оғир атлетика беллашувларида юртимиз шарафини химоя қилган спортчилар орасида Тошкент вилояти фарзандлари Сарварбек Зафаржонов ҳамда Акбар Жўраев 3 тадан медални қўлга киритишди.



# Ўзбекистоннинг фарзандларидан ШОНЛИ ҒАЛАБА

▼ Фахр

Дастлаб, 88 килограммгача бўлган вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Сарварбек Зафаржонов даст кўтариш машқида 161 кг. тошни ўзига бўйсундириб, кумуш медалга эга чиққан бўлса, силтаб кўтариш машқида 202 кг. натижа билан олтин медални қўлга киритди. Вилоятимиз фарзанди, шунингдек, умумий натижага кўра 363 кг. билан делегациямиз ҳисобига яна бир олтин медални қўшиб қўйди.

110 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги атлетлар ўртасидаги чиқишларда эса яна бир вилоятдошимиз, ёзи Олимпия ўйинлари чемпиони Акбар Жўраев 3 та олтин медални қўлга киритди. У даст кўтариш машқида 193 кг. натижа қайд этиб, шоҳсупа тўридан жой олган бўлса, силтаб кўтариш машқида 227 кг. тошни ўзига бўйсундирган ҳолда яна бир бор тенгсиз деб топилди. Акбар икки машқ якунига кўра ҳам олтин медалга эга чиқиб, мутлақ чемпионга айланди.

Атлетларимиз якунда оғир атлетика бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган беллашувларда 6 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медали билан биринчи ўринни эгаллашди. Эътиборлиси, ушбу медаллардан 6 таси (5 та олтин ва 1 та кумуш) вилоятимиз полвонларига тегишли.

Мазкур натижа ўз-ўзидан бўлиб қолган йўқ. Бу узоқ йиллик тинимсиз меҳнат ва сабр натижасидир.

Айниқса, Сарварбек Зафаржонов ушбу натижага эришгунга қадар не-не машаққатларни енгиб ўтишига тўғри келмади. Тўғри, у оғир атлетикада Акбар Жўраев, Руслан Нуриддинов каби машҳурликка эришмаган. Балки кўпчилик ушбу атлет ҳақида илгари эшитмаган бўлса ҳам керак.

2000 йилда Бўстонлик туманида туғилган Сарварбек болалик чоғларидан оғир атлетика спортига жуда қизиққан. Бўш қолди дегунча мактабдаги спорт зал томон ошиқарди. Бирок уйдагилари оғир тош кўтариш бўй ўсишини тўхтагани деган сабаб

билан бунга қаршилик қилишади. Бир томонда қизиқиши, бир томонда эса уйдагиларининг қаршилиги... Сарварбекка қўшниси, тумандаги оғир атлетика спорт мактабиде мураббийлик қилиб келаётган Дилмурод Беркинов умид бағишлайди.

– Ушунда уйдагиларини кўндрини осон бўлмаган эди, – дея эспайди Дилмурод ака. – Лекин, боланинг спортга бўлган қизиқишини, кузида олов қақнаб турганини кўриб, барча масъулиятни бўйнимга олган ҳолда уларни кўндиришга муваффақ бўлдим. Сарварбекнинг ўша ондаги хурсандчилиги кечагидек ёдимда.

Шу тариқа, у 9 ёшдан тумандаги оғир атлетика спорт мактабиде тахсил ола бошлади. Дилмурод ака ёш шогирдига мазкур спорт турини мукаммал ўргатишга ҳаракат қилади. Сарварбек ҳам машғулотларга зўр бериб, мураббийнинг кўрсатмаларини тўла бажармайча, келгусида чемпион бўлиб, унга ишонч билдирганларни афсуслантирмасликка интиларди.

Бу орада ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги қатор ички чемпионатларда қатнашиб, голиб ва совриндор ҳам бўлади. Бирок ҳа деганда терма жамоага қақирув олмайди. Боиси, Ўзбекистонда оғир атлетика спорт турида рақобат анча кучли, бир вазнга маҳоратли, халқроқ майдонда натижа қайд этган бир нечта атлетлар тўғри келарди. Шунда ҳам ўз устиде ишлашдан тўхтамай, кичик бўлсада имкониятини кутарди. Ниҳоят, 2019 йилда унга ўша имконият тақдим этилди. Шу йили Сарварбек Қатарда ўтган 6-халқаро Қатар кубогиде иштирок этади. 81 килограммгача бўлган вазндаги беллашувларда қатнашган атлет илк уринишдаёқ кумуш медални қўлга киритиб, мутахассислар эътиборига тушади ҳамда терма жамоа аъзосига айланади.

Орадан бир йил ўтиб, бўстонлик спортчи Пойтахтимизда ўтган Осиё чемпионатида 89 килограммгача вазн тоифасида юртимиз шарафини химоя қилиб, даст кўтаришда 166 кг. билан учинчи, силтаб кўтаришда эса 202 кг. тошни ўзига бўйсундирган ҳолда тўртинчи ўринни эгаллайди. Икки кўраш якунига кўра жами 368 кг. натижа билан терма жамоа ҳисобига яна бир бронза медални қўшиб қўйишга муваффақ бўлади.

Бу ҳали бошланғич эди. 2021 йилнинг декабрь ойида у илк бор катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашади. Тошкент шаҳри мезбонлик қилган нуфузли турнирда вилоятдошимиз ўзининг нималарга қодирлигини барчага намойиш этади. Бирок, аламми тарзда иккита олтин ўрнига кумуш медаллар билан тақдирланади. Гап шундаки, Сарварбек ўша турнирнинг силтаб кўтариш машқида 205 кг. тошни ўзига бўйсундириб, россиялик Артём Окулов билан бир хил натижа қайд этади. Оғир атлетика қоидаларига кўра, агар икки спортчида натижа бир хил бўлса, вазн жиҳатдан энгилроқ атлет юқорироқдан жой олади. Вақилимиз вазн бўйича россиялик спортчимиз бироз оғирроқ чиқади. Натижада олтин медал Артём Окуловга насиб этади. Бу ҳали ҳаммаси эмас эди. У ушбу турнирда икки кўраш якунига кўра Жанубий корейлик Ю Донг Жу билан ҳам бир хил – 371 кг. натижа қайд этади. Вазнлар тарози палларига қўйилганда эса корейлик энгилроқ чиқади ва Зафаржонов яна

олтин медалдан қуруқ қолади.

Бу унга жуда алам қилади. Бирок, спортчи бундан қўчиб қолмайди, аксинча, янада ўз маҳоратини ошириш учун ҳаракат қилади. Бу эса кўп ўтмай натижасини кўрсатади.

2022 йилда Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган V Ислон бирдамлиги ўйинлари вақилимиз учун фаолиятидаги энг омадли турнир сифатида ёдда қолади. Аслида, 2021 йилда ўтказилиши керак бўлган, пандемия сабаб бир йилга кечиккан мусобақада Сарварбек жаҳон чемпионатидаги бор аламини олиб, уч дастурда ҳам олтин медални қўлга киритади. Орадан уч йил ўтиб, Ар-Риёда ўтказилган гадаги Ислон бирдамлиги ўйинларида эса Бўстонлик фарзанди юқорида таъкидлаганимиздек, 2 та олтин ва битта кумуш медални қўлга киритади.

С. Зафаржоновнинг келгусидаги орзулари улкан. У мазкур спорт турида жаҳон ва Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритишни мақсад қилган.

Яна бир вилоятдошимиз Ар-Риёдаги нуфузли турнирда 3 та олтин медални қўлга киритган Акбар Жўраевни эса ортиқча таърифлашга ҳоҷат йўқ. У нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёга машҳур бўлиб улгурган. Октябр ойида 26 ёшга тўлган маҳоратли атлет бир спортчи фаолияти давомида эришиши мумкин бўлган барча ютуқларни қўлга киритиб улгурган. У ҳозирга қадар бир бор ёзи Олимпиада ўйинлари, уч карра жаҳон ва

бир мартаба Осиё чемпионатида шоҳсупа тўридан жой олган.

Акбар учун 2025 йил муваффақиятларга бой бўлмоқда. У жорий йилда учта йирки мусобақада қатнашиб, жами 9 та олтин медални қўлга киритди. Акбарнинг зафарли оидимлари Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатидан бошланди. Мазкур турнирда 109 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган атлет даст кўтаришда 183 кг., силтаб кўтаришда эса 223 кг. тошни ўзига бўйсундириб, умумий 406 кг. натижа билан учта олтин медални қўлга киритди.

Октябрь ойида эса Норвегия давлати мезбонлик қилган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида яна уч олтин медалга эга чиқди. У мазкур турнирнинг даст кўтариш машқида 196 кг. натижа билан, шунингдек, умумий 428 кг. оғирликдаги тошни ўзига бўйсундирган ҳолда икки жаҳон рекордини ҳам янгилашга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоиз, вилоятимиз пахлавони “Токио-2020” ёзи Олимпиада ўйинларида 430 кг. тошни ўзига бўйсундириб, Олимпия ўйинлари рекордини ҳам янгилаган эди.

Акбар Жўраев жорий йилда давом этаётган “уч олтинлик” аънасини Саудия Арабистониде ўтаётган VI Ислон бирдамлиги ўйинларида ҳам бузмаган ҳолда яна уч карра чемпионга айланди.

– Бизни қўллаб-қувватлаб турган барча раҳмат айтмаган, – дейди чемпион. – Бу галги рақиблар анча кучли эди. Шундай бўлса-да, мураббийларимнинг кўрсатмалари

сабаб шоҳсупа тўридан жой олдим. Спортчи учун унинг ғалабаси сабаб Ватанининг мадҳияси янграши, мамлакати байрогининг энг юқорида хилпираб туришидан ортиқроқ бахт йўқ. Келгусида 2028 йилда бўлиб ўтадиган ёзи Олимпия ўйинларида ҳам чемпион бўлиб, юртимиз шайини муносиби химоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Дарвоқе, Ислон бирдамлиги ўйинлари Акбар учун омадли турнирлар каторига қиради. У Коньяда ўтган V Ислон бирдамлиги ўйинларида ҳам учта олтин медални қўлга киритган. Ушунда 109 килограммдан юқори вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган Бўстонлик фарзанди умумий 446 кг. натижа билан шахсий рекордини ҳам янгилаган эди.

Сарварбек Зафаржонов ва Акбар Жўраевнинг мазкур турнирдаги муваффақиятлари Ўзбекистон оғир атлетикасининг юксак салоҳиятини барчага яна бир бор кўрсатиб қўйди. Айниқса, сўнги бир ойда ўзбек оғир атлетикачилари томонидан икки нуфузли турнир – жаҳон чемпионати ҳамда VI Ислон бирдамлиги ўйинларида қўлга киритилган 13 та олтин медалнинг 8 таси уларга тегишли экани сўнги йилларда вилоятимизда спортга бўлган эътиборнинг қандайлигини кўрсатиб турибди. Бу ғалабалар нафақат спортчиларнинг шахсий ютуғи, балки бутун вилоят ва мамлакатимиз ёшлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Икки спортчимизга ҳам келгусидаги мусобақаларда омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

Суҳробжон САДИРОВ,  
“Тошкент ҳақиқати”  
шарҳловчиси

## ▼ Ажаб савдолар

Тўрт ойгина муаллимлик маошини олган Ҳамидуллани туман газетасига ишга таклиф этишди. Талабалик йилларидаёқ матбуотда шапалоқдай-шапалоқдай мақолалари билан қатнашиб турган йигитни қаламкашлар яхши билишарди. Укуви дуруст эмасми, тез орада бўлим мудири бўлиб олди.

# ОДАМЛАР ГАЗЕТА УҚИШАРКАН...



“Таҳририятга ишга ўтпаман”, деганида ҳеч ким ишонмади. Ҳатто тўққиз ой бир қоринда бўлиб, фақат отасидан бир неча дақиқа олдин оламни кўрган Ҳасан амакиси ҳам қўл силтаб қўйди:

– Ҳм, шунақа дегин! Сенга ўхшаганлар анқонинг уруғи эканми? Ўзи пединститутни зўрга битирган бўлсанг, сени газетдагилар бошига урадимми? Биласанми, шоир бўлиш учун камида Тошкентдаги журафани битириш керак...

Деярли ҳар сонда гоҳ чўнтақойнадек жойда хабар, гоҳ дафтар варағидек мақола, гоҳ бутун бир саҳифани эгаллаган лавҳалар тағида: “Ҳамидулла Шошқин, махсус муҳбиримиз” деган ёзув кўзга ташланганидан бўлди. Мақоласи чиққан кунни чой ичиш нарида турсин, ҳатто ухлагани ҳам унутиб қўйди. Ёзганлари хусусида одамлар қандай фикрда эканлигини билишга жуда интиқ. Аксига олгандек, биров ўзида билиб Ҳамидулланинг ижоди ҳақида оғиз очмайди. Ўзи шу мавзуда гап

бошлай деса, мақтанаётгандек туюлади. Шундай бўлса-да, ҳар замонда кўнгилга яқин дўстларидан: “Қалай, мақола-ларимизда фикрлар тўғрими?” деб сўраб қўяди.

– Об-бо, газет ўқишга вақт қаерда, нима, сенга ўхшаб бекорчиманми? – деди синфдоши, тракторчи Қодир. – Қани кўлингдан келса, мени суратимни чиқар газетанга...

Ҳамидулла шунга ҳам хурсанд: демак, дўстининг матбуотга илхоси бор.

Бир кун матбуот деса ўзини томдан ташлайдиган қўшниси Эргаш домла билан учрашиб қолди.

– Э, ука, туман газетаси кейинги пайтларда яхши чиқмаётти-да, нуқул сийқаси чиққан гаплар. Ўзига тортадиган, таъсирли мақолалар йўқ. Обуна бўлганимга ҳам пушаймонман.

У ўшунда домласининг фикрларига эътироз қилмади. Фақат: “Қизик, одамлар матбуотга қизиқмас эканлар-да, ёки мен ишлаётганим учун шундай дейишяптими?” дея ўйлар эди.

Тўғри-да, яқин дўстларидан бирортаси, ҳатто тилга тушган, шов-шувга сабаб бўлган мақолалар хусусида ҳам гапиринмайди-я, қайтача бегоналар...

– Уртоқ Шошқин, тунов кунги мақолани бошлаб, роса мириқиб ўқидик, – дейишарди. Давраларда ҳовлиқиб гапириб юрадиган почтаци Бозор шайқилдоқ ҳам кейинги пайтларда Ҳамидулла Шошқин ишлаётган газетга қизиқмай қўйганлигини айтиди.

Майли, ўқимасам, ўқимасин. Ҳар нашрининг ўз муҳлиси бор. Газета чиқаверди, ҳам-касблари қатори Ҳамидулла Шошқин ҳам ёзаверди, кунлар ўтаверди...

У ана шундай фикрда юрган эди. Аммо ўтган ҳафта газетанинг сўнги саҳифасида “гугуртдакина тузатиш” берилди-ю, ҳаммаси ўзгариб кетди.

“Таҳририят навбатчиси Ҳ.Шошқин хатоликка йўл қўйгани учун бўлим мудири вазифасидан муҳбирликка туширилди”.

Ҳамидулла бошига биров

гурзи билан ургандек гандираклаб қолди. У “тузатиш” берилган газетанинг ҳамма нусхасини сотиб олишга тайёр эди. Ахир, муҳлислари ўқишса, нима дейишади? Бу шундай таникли ижодкор учун уят-ку! Мухаррирга ҳам ҳайронсан, арзимас имловий хато учун шунча гап-а! Тўғри, ўзидаям айб бор. Лекин хатони ўзи сезмаган ҳолда ўтказиб юборган-ку!

– Уф-ф! – Ҳамидулла асабийлаша бошлади. – Ҳўп, вазифамни пасайтиришди. Шунини эълон қилиш шартмиди? Қани энди одамлар газетанинг шу сонини ўқимасам. Ҳеч бўлмаса, “тузатиш”га эътибор беришмаса. Э, ич-этимни еб нима зарур? Танишларим шу пайтгача қизиқиб газета ўқимасди. Бу гал ҳам шундай бўлади...

Уйга келди-ю, ижодхонасига кириб ётди. Ҳеч ким билан суҳбатлашгиси келмасди. Бирдан телефон жиринглади. Қўнғирок қилган амакиси экан:

– Жиян, ўзингмисан! Тинчликми? А-ҳа, газетда ишлаш осонмас дегандим-ку! Ана,

хато кетиб, шарманда бўлибсан. Жимгина мактабда болаларни алдаб юрмайсанми!

Ҳамидулла гапнинг у ёғини эшитмади. Бироз вақтдан кейин тагин телефон қўнғирогиди... Бу гал дўст-биродарлари экан...

Эртасига маҳалладаги тўйга чиқди. Эндигина ошни еб бўлиб, бир пиёла чойни қўлга олудди ҳамки, почтаци Бозор шайқилдоқ кўринди.

– Огайни, мактабга қайтадиган бўлдингми? – деди томдан тараша тушгандек. – Мен ўзимни чаласавод деб юрсам, сен беш баттар экансан-ку! Бошқа жой қуриб қолгандек газетга ҳам хато ёзасанми?

Эргаш домла Ҳамидуллани кўчада учратиб роса афсусланди:

– Сени иқтидорли шогирдим деб юрсам, қовун туширибсан-ку! Жуда алам қилди-да: сени ишдан кетганининг ҳаммадан кейин молбозорда эшитсам-а!

– Йў-е, устоз, ишдан кетмадим...

– Лекин, келаси йил шу газетга обуна бўлишини ният қилдим: қизиқарли гаплар ҳам чиқадиган бўлиб қолибди, тўғрими?

Ҳамидулла домласининг галини тасдиқлаб қўйди. Нима бўлгандаям у хурсанд эди. Нега қувонмасин ахир, лавозими сал пасайган бўлса бордир, энг муҳими, одамлар газетга ўқишаркан-ку! Ўқинганда ҳам илхос билан, сўнги саҳифадаги “гугуртдек” маълумотгача қолдирмасдан ўқишаркан.

Эҳ, муҳлисларинг кўп бўлса яхши-да!

Абдулла АЙИЗОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## ▼ Ҳайрат

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти археологлар томонидан Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳомийлигида амалга оширилаётган археологик қазималарнинг навбатдаги кунда ноёб топилма – милодий X-XI юзйилликларга оид деворий суратлар аниқланди. Бу ҳақда Фанлар академиясининг Тарих институти хабар берди.



# Қанқада X-XI асрларга оид деворий суратлар топилди

Қайд этилишича, топилмалар қадимги Қанқа шаҳрида жойлашган катта қарвонсарой ҳудудиде очилган. Қадимги шаҳарнинг жанубий дарвозасидан ташминан 60 метр масофада жойлашган бу қарвонсаройнинг умумий ўлчами ташминан 100×70 метрни ташкил этади. Бино ўзининг меъморий маҳобати билан ажралиб туради.

“Қарвонсарой хоналаридан бирида олиб борилётган қазув жараёнида хоналар деворларидан қулаб тушган деворий сурат бўлаклари аниқланган. Улар 25×30, 15×20 ва 30×35 сантиметр ўлчамда бўлиб, бу қарвонсарой хоналари деворий суратлар билан безатилганини тасдиқлайди. Топилмалар араблар босқинидан кейин маълум вақт йўқолиб кетган деворий безак санъати Тошкент ҳудудиде ҳам X-XI

юзйилликларда қайта тикланганини кўрсатади”, дейилади хабарда.

Археологик маълумотларга кўра, шунга ўхшаш деворий расмлар Самарқанд ва Ахсикент ёдгорликларида ҳам аниқланган. Мадаоний мерос агентлиги Самарқанд археология институти реставраторлари иштирокида ўрганилаётган ушбу суратлар Тошкентда ҳам деворий суратчилик мактаби мавжуд бўлганини кўрсатади. Ёдгорликда 2023 йили олиб борилган археологик изланишлар давомида V-VII юзйилликларга оид деворий суратлар қайд этилган.

Маълумот учун, аввалроқ ҳам қадимги Қанқа ёдгорлигида V-VII асрларга оид ибодатхона ва ҳарбий анжомлар топилгани ҳақида хабар берилган эди.

ЎЗА

## ▼ Ёшлик

O‘zbekiston “Yoshlik” jisoniy tarbiya va sport jamiyati Markaziy kengashining 2025-yil 19-avgustdagi Quruiltoy qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentyabrdagi “Maktabdan tashqari ta’limni yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-277-sonli Qarori hamda Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2025-yil 30-sentyabrdagi 368-sonli buyrug‘iga asosan “Yoshlik” jisoniy tarbiya va sport jamiyati Toshkent viloyati mintaqaviy bo‘limi tugatilmog‘da.



### ▼ Кўнгил шеvasи

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Шуҳрат” медали соҳиби, Халқ таълими аълоҳисси Абдунаби Хайдаровни ёшларидан танийман. У вилоятимиз фарзанди. Унинг ижод намуналари мамлакат газети ва журналларида мунтазам чоп этилади. “Садоқат”, “Сўнмас юлдузлар”, “2021...”, “Нигох”, “Бир сўз”, “Еттинчи китоб” тўпламлари муаллифи.

## Одамийлик китоби

А.Хайдаров яқинда “Кўш устунининг бири” номли китоб чиқарди. “Янги китоб” нашриётида чоп этилган тўпламга сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Лаиз Раҳматов сўзбоши ёзган. Унда муаллиф ижод бустонида барваж юксалаётган муаззам чинорга қиёсланади.

Тўпламдаги “Кўш устунининг бири” қиссасидаги ташбехлар, ўхшатишлар, воқеаларнинг табиат ўзгаришлари ва қаҳрамонлар ички кечинмалари билан уйғун тасвирланиши китобхонда ўзгача таассурот қолдиради.

Жумладан, жон таслим қилган онанинг ҳолати тасвири:

“...Онанинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарқ этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайлихотир мизғибган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўраляётган кўш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим шекилли, бу биз билган-кўрган офтобнинг шуъласи эмасди, онанинг чеҳрасидан таралаётган нур эди. У кўзларни қамаштирар, қалбларни қиздиради, дилларга илиқлик бағишларди. Турда онанинг жонсиз вужуди эмас, олов-кўшнинг бир парчаси ётганга ўхшарди...”

Қиссада муаллиф онанинг ҳаёт йўли маҳорат билан тасвирланади. Кўз ўнгимизда муштираб ва мунис ўзбек аёллари тисоли ёрқин намоеъ бўлади. Беихтиёр ўз меҳрибон волидамизни ёдга оламиз... Қиссани ўқиб, жонанон Ватан, аввало, ота уйдан бошлангани, олам ва одам қисматига доир ҳаёт фалсафаси ана шу файли гўша билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида ўйлаймиз.

Абдунаби Хайдаров ҳикояларида кўрган-кузатганларини қаламга ола-

ди. Воқеага ўзгача ёндашади. Ёзувчи кўзи билан қарайди. Асарларини мутолаа қилар эканмиз, айрим қаҳрамонларга ҳавасимиз уйғонади. Ўрнатилган олгимиз келади. Атрофимизда содир бўлаётган яхшилиги ёмонликлар, ҳолислиги адолатсизликлар, зуққолиги билимсизликлар кўз олдимиздан ўтади.

“Журналистик ҳангомалар” и билан танишиб, соҳа ҳаёти, газетачиликнинг ташвишу қувончларига шерик бўласиз. Енгил мутўйибаларга йўғрилган ҳангомалар китобхонинг қайфиятини кўтариб, ибрат олишга қорлаши турган гап.

Ижодкор ўз асарларида қиёслаш усулидан кенг фойдаланган. “Фалокат” ҳикоясида бекатдаги аёл теле-

фонга ёпишиб, ўғилчасига бепарво бўлади. Болакай йўлнинг қатнов қисмига чиқиб, машина остига йиқилаёзганда бир йигит уни қутқариб қолади, ўзи эса юзтубан йиқилади. Аёл эса ҳайдовчини ҳақорат қилиб, қарғашга тушади.

“У боласини фалокатдан қутқарган йигитга раҳмат айтиш тугул қиё ҳам бўлмади. Ўғлини судраб, сал нарида турган таксига қарғана-қарғана

пешонасидан оқётган қонни артиш билан овора эди...”

“Муқошида” ҳикоясида қатъиятли, ҳақпарвар ҳайдовчи ва пиёниста эркак образлари ҳам шундай қиёсланади. Бундай усулдан “Салом дўстим!..” Хайр “дўстим!..”, “Керакли “точка” ҳангомаларида унумли фойдаланилган.

А.Хайдаровнинг эссе, очерк ва лавҳалари ҳам жуда таъсирчан. Ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган меҳр-муҳаббат туйғулари, аҳду паймонга чексиз садоқат тимсоллари моҳирона баён этилади.

Ижодкорнинг файласуф Суқрот, буюк мутафаккир Абулқосим Фирдавсий, француз халқининг миллий қаҳрамони Жанна д’Арк, шведиялик машҳур кимёгар ва муҳандис Альфред Нобель, кимё фанининг намояндаси Дмитрий Менделеевлар ҳақидаги хорижий манбалар асосида тайёрлаган мақолалари ҳам китобхонда қизиқиш уйғотади. Уларнинг ҳаёт йўли, кашфиётлари, жаҳон тарққиётига қўшган ҳиссалари ишонarli далиллар асосида ёритилган. “Олис ва яқин мазийдан садолар”, “Тиббиёт тарихига бир назар”, “Сир-синоатга бой дунё” бобларидан ўрин олган мақолалар ўқимшиллиги, қимматли маълумотларга эгалиги билан ўқувчини ўзига жалб этади.

Бу тўпламни қўлга олган китобхон таваққулини янги таассуротлар ва хулосалар билан бойлатади. Ёш ижодкорлар учун ўзига ҳос амалиёт мактаби вазифасини ўтайди.

**Каримқул МАВЛОҲОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
фахрий журналист



ўтирди-да, хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолди.

Мен йиқилганда қаттиқ лат емадимкин деган хавотирда ёғоч ўриндикда нафас ростлаётган йигитга ўғрилдим. Ажаб, у тобора узоклашиб бораётган такси ортидан маънос боқиб, бошини сарак-сарак қимирлатар, адашмасам, ичини нимадир тиддалар, кекса ҳайдовчи эса унинг

### ▼ “Тошкент ҳақиқати” ёдномаси



“...Ўзи ўртага чиқиб тўртта одамни кулдиришни бўйнига олган киши соғ одам ҳисобланмайди.

**Лекин мен гапирганимда кулиш мажбурий эмас. Рустамжон Намангандан келиб қопти, қўллаб-қувватлаб турайлик, деган фикр ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасин. Хоҳлаган ўртоқлар кулсин, хоҳламаганлар бемалол хўмрайиб ўтиришлари мумкин. Чунки айрим одамларни кулдириб бўлмайди. Улар кўйма хўмрайиб туғилган. Қачон қарасанг шунақа, қовоғидан дўл аралаш қор ёғиб туради. Ҳатто ҳаммомга ҳам шундай кириб боради. Бир қўлида тоғора, бир қўлида совун, “форма-одежда номер 1”. Қаранг, бир бурчакда сувни кўйиб чўмилмайди. Чўмилганларни томоша қилади. Гўё улар еган-у, бу қуруқ қолган. Номард, кулиб ўтиравер! Одам кушдек енгил бўлиб чиқиб кетадиган жой бу, агар бирорта совунни босиб олмаса... Одамлар бор, қачон қарасанг, табассум билан. Гўё кўйиб юборган иккита хотини ҳам алимент олмаймиз деб тилхат бергандек.**

**Умрингизнинг қадрига етсангиз, қадрдон дўстлар, кулиб турган одамдан ажралманг. Ютқазиб кўйсангиз, мен тўлайман! Хўмрайгандан қочинг, қўшниси бўлсангиз, кўчиб кетинг унақа жойдан...”**

Айтгандай, сиз юқоридаги ёқимли, ёқимли сўз соҳибини танигандирсиз? Ҳа, гап фидойи санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Ҳамроқулов ҳақида.

Рустам Ҳамроқулов келажаги порлоқ санъаткор эди. Бу нодир истеъдод эгаси халқимиз пешонасига сиғмади. Лекин у ўзининг ниҳоятда қисқа – атиги 36 йил, яъни юлдуздай

баройи ич-ичидан куйганидан, илоийм бу камчиликлар бўлмасин, ўзбекнинг юзи ёруғ юрсин, халқимиз чеҳрасида ҳаммиса табассум нур сочиб турсин деганидан...

Ўзбекистон радиосининг “Табассум” эшиттириши муҳаррири раҳматли Тўлан Кўзибоев Р.Ҳамроқулов ҳақида шундай деган эди:

– 1988 йили Наманганга хиз-

нинг устидан куласиз?

– Бунга бир нарса дейиш қийин. Кимларнинг устидан куламан? Гап келса отангни аяма дейишади. Албатта, турмушимизга тўғаноқ бўлиб турганларнинг устидан кулган ахши. Аммо мен кўпроқ ўзбегимнинг соддаликларидан куламан. Қаранг-а, Тўланбой ака, 20-30 йил олдин чигит экилгунча мола босилар экан. Тракторга

жўнатинг. Йўқса, диплом қўлга тегмайдиган бўлиб турибди”, дейилган экан.

Отaxonнинг аччиғи чиқибди. “Шуни ким ўқишга берди ўзи? Йўқ, шуни ким ўқишга берди?” Энди ота экан-да! Бир ҳўкизи бор экан, шуни сотиб, пулини жўнатаман-да, деб бозор кунни молни етаклаб кетётган эканлар, бир-иккита маҳалладошлари:

– Ие-ие, Мамарайим ака, ҳўкизи қаёққа олиб кетярсиз? Уни сотмоқчи эмас эдингиз-ку? – деб сўраб қолишибди.

– Тузқроқ қара-чи, ҳўкизи шу? – дебди отахон.

– Ҳа, ҳўкизи-да?  
– Йўқ, ҳўкизмас, бу – диплом! Ҳўкиз Тошкентда ўқияпти! Чў, жонивор! – деган эканлар...

Рустам Ҳамроқуловнинг бир одати бор эди: телевизор ёки радио орқали чиқишларга унчалик интилавермасди. Бунинг сабабини шундай изоҳлаган эди:

– Гапнинг очиги, телевизорга жуда кўп таклиф қилишади. Минг раҳмат, радио ва телевидение ходимларига. Лекин нимагадир, шуни хоҳламайман-да! Бошқа қизиқчилар, ҳамкасблар, балки фикримга қўшилишмас. Лекин мен шу телевиденеге бордим деунча, юмилман. Нимагадир тўйда, концертда, халқнинг олдида, йиғинларда, боллардаги сайилларда, ҳеч қанақа камералар ўқ даярларда ўзимни эркин ҳис қиламан. Ҳайратим келиб, ўзим айтаётган гаплардан ўзим ҳам маза қиламан. Ҳар замонда телевидение ёки радиого бориб қолсам: “Буни гапирмайсиз, бу ерга

### Рустам қизиқ бисотидан

Илон изи бўлиб келаётган “Жигули”-ни автоинспектор тўхтатибди. Ҳайдовчи басавлат одам экан, тўйдан қайтаётганини айтиб, писанд қилмай ўтираверибди.

– Қани, ҳужжатларни олинг-чи, – дебди инспектор.

– Мана, ҳужжатлар! – дебди ҳайдовчи ўтирган жойида.

– Тўйда яхшигина ичганга ўхшайсиз-ку, машинани четга олинг.

– Йўғ-е, мастмасман!

–Унда текшириб кўраимиз. Янги чиққан япон аппарати бор, ҳаммасини аниқлаб беради. Автоинспектор сумкасидан японча матоҳни олибди. Ҳайдовчи унга қараб пуфласа, аппаратдан жиринглаган садо чиқибди:

– Жиринг-жиринг! Солиивой ака кудаларининг тўйига бориб, кетма-кет тўрт пиёлани сипқорганлар, газетига шампань ичганлар...

– Аппаратингиз зўр-у, лекин бузўқ экан-да! Раҳима, сен ҳам пуфла-чи, тўғрилигини биламиз-кўямиз, – дебди Солиивой ака.

Бу гал аппаратдан шундай садо чиқибди: – Раҳима янгамиз ҳам аввал шампань, кетидан коньяк уриб, минерал сувни газак қилганлар...

– Тавба, ҳеч маҳалда аёл кишиям ичадими? Бу аппаратингиз аниқ бузилган! Қани, Анварчик, сен ҳам бир пуфла-чи!

Инспектор уч яшар болага аппаратни тўғирлабди. У яна жиринглабди:

– Жиринг, яна битта жиринг! Анваржон ҳам эллик граммгина ароқ ичиб, орқасидан ярим қадаҳ шампаньдан тотиб кўрганлар. Газетига тоза шоколад!

– Айтдим-ку, аниқ бузилган... – Солиивой ака шундай деб туриб олибди.

Автоинспектор аппаратни силкитиб-силкитиб, ростанам бузилган шекилли, энди бир устага кўрсатиб опарман деб, ҳужжатларни қайтариб берибди.

Шундан сўнг йўлда машинасини учириб келаятган Солиивой ака хотинига мақтанармиш: – Раҳима, ёш болага ичирманг-ичирманг дейсан, мана, фойдаси бўларкан-у...

мана бу гапни қўшасиз, мана бундоқ қўшасиз... у жойдан бу жойда мана бундоқ юрасиз, қайрилманг...” дейишади. Ахир бу нарсадан чеғараси борми? Даврага чиқиб, илҳом келганида нега ўзимизни бўғмоғимиз керак?

Дарҳақиқат, Рустам Ҳамроқулов ҳаёт, умр мазмунини эрта англади. Ундан эсласа арзигулик яхшиликлар, чиройли хотирлар қолди.

Юртимизда концертлар, тўй ва байрамлар давом этапти. Давраларда Рустам Ҳамроқуловнинг магнит тасмаларига эзиб олинган ҳангомалари, қатра хандалари жаранглапти. Бу – қаҳқаҳанинг умри боқий дегани.

Ҳа, қаҳқаҳа яшапти. Рустам қизиқ яшапти...

**Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

## ЮРАКЛАРГА КУЛИШНИ ЎРГАТГАН ИНСОН

чарақлаб, чақмоқдек сўнган умри давомида бир талай хайрли ва савобли ишларни бажаришга улгурди. Яратган унга одамларга хурсандчилик улашишдек ноёб қобилиятни ато қилган экан.

Рустам аканинг бирон жойда ўйчан, ғамгин ёки жиддий турганини кўрган эмасман. Чеҳрасидан нур балқиб турарди доим. Ким билади дейсиз, аслида, йиғласа-да, кулиб яшагандир...

Сиз ҳеч кузатганмисиз, ҳажвчи ва қизиқчи нега доим кулади, кулишни ёқтиради? Чунки, улар кулиб туриб, йиғлайди. Агар ҳаётда камчилик, адолатсизлик, ёлгон, хиёнат, тухмат, мансабпарастлик бўлмаса, қизиқчи, ҳажвчи деган касбга ўрин қолмасмиди. Қизиқчи ва ҳажвчи ҳар ҳолатда учрайдиган ана шу дилхиралликлар билан курашиб яшайди. Бир умр. Шунинг учун ўзбекда бир учирма гап бор: улганининг кунидан тиржайпти, деган. Қизиқчининг қисмати жуда оғир. Бунинг учун тоғдек юрак керак. Юрак-ку, аслида мушдек бўлади. Рустамжон қизиқ каби инсонларнинг эса бутун вужуди юрак эди. Биласизми, шаҳарнинг каттақонни бўладими, гигант корхонанинг директори ёки колхознинг раиси бўладими, ҳаммасининг устидан баралла қуллолган у.

Кулиш – маза қилиш эмас, бу аз-

мат юзасидан, очикроқ айтадиган бўлсам, “Табассум” га табассум қилибди борган эдим. Ушанда ўзим учун Рустамни кашф қилганман. Илк учрашувдаёқ у менга бир дунё табассум ҳадя қилган эди. Мен уларни ўз вақтида эгаларига – тингловчиларга тортиқ қилганман.

Уша кунлари Наманганда машҳур кулги дарғаси Юсуфжон қизиқнинг 120 йиллик тўйига тайёргарлик кўриляётган пайлар эди. Сатиря театрининг Наманганда очилиши ва бу масканга Юсуфжон қизиқ номи берилишида ҳам Рустамнинг ҳиссаси катта эди.

У шу маросимнинг ташаббускори ва ташкилотчиларидан бўлгани учун жуда вақти зик эди. Ушандай вазиятда ҳам мен билан сўхбатлашишнинг имконини топди...

– Рустамжон, сиз кўпроқ кимлар-

боғланган ўн метр-ли бақатерақдан бўлган моланинг устиди, ер текисроқ чиксин деб, эртанмангача тўртта киши ўтирар экан. Анча йил ўтгандан кейин, биттаси айтибдики, шовманглар, шуни устига тўрт қоп кум қўйсак ҳам бўлади-ку? Тўғри, дейишибди.

Ва яна бир соддалигимиз. Бир отахон Тошкентдаги талаба ўғлидан хат олибдилар. Очиб, ўқисалар, “Дада, тезроқ минг сўм (у даврда шунча пулга машина сотиб олиш мумкин эди) пул



TOSHKENT HAQIQATI  
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentkaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

**Zoyir MIRZAYEV**  
(tahrir hay’ati raisi)

**Abdusamad NOSIROV**

**Ummat MIRZAQULOV**

**G’afurjon MUHAMEDOV**

**Sayyora FAYZIYEVA**

**Abdusobit ABDURAZZOQOV**

**Mahmud TOIR**

**Azamat MIRZAYEV**

**Uskenboy ATEMOV**

**Abdulla XURSANOV**

**Otabek SULTONBEKOV**

**Kumush EGAMBERDIYEVA**

**Olimjon BEGALIYEV**

**Sergey MUTIN**

Bosh muharrir:  
**G’ayrat SHERALIYEV**  
Nashr uchun mas’ul:  
**Suhrobjon SADIROV**  
Mas’ul kotib:  
**Alloma AZIZOVA**  
Navbatchi:  
**Zikrilla MUHAMMAD**  
Ekspeditor:  
**Behruz NURBOBOYEV**

Qabulxona:  
(55) 520-64-95  
Bosh muharrir o’rinbosari:  
(55) 520-04-10  
Mas’ul kotib:  
(55) 520-05-10  
Bo’lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20  
E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:  
(55) 520-21-20  
e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.  
Bosishga topshirildi – 20:30.  
Nashr ko’rsatkichi – 205.  
Buyurtma G-1135.  
2 457 nusxada chop etildi.  
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A–2.  
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofsimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko’chasi, 2.  
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.  
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
**Korxonasi manzili:**  
**Toshkent shahri,**  
**Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.**